

Орамизда жаноза ўқий оладиган аҳли илмнинг ўзи йўқ



14:00 / 26.07.2022 3273

Мулла Нуриддин пешқадам 1886 йил, Наманган шаҳри, «Дегрезлик» даҳаси, Тахтакўприк мавзеси (ҳозирги 16-мактаб қаршиси)даги хонадонда таваллуд топди. Отаси мулла Ёқубжон мингбоши (1855-1893) юртни бошқарган олим, фозил ва мураттаб қори зот бўлган. У Намангандан Карвон (ҳозирги Қирғизистоннинг «Аҳси» тумани)гача бўлган ҳудудларни тасарруф этган. Қолаверса, Янгиқўрғон, Чортоқ туманлари ва Наманган шаҳрининг унумдор ерларининг суғориш (ирригация) тизимини ислоҳ қилишга катта ҳисса қўшган фидойилардан бири бўлган.

Зиёли оилада камол топган мавлоно Нуриддин болалигидан илмга муҳаббат қўйди. Ундаги рағбат-шижоатни пайқаган қиблагоҳи фарзандининг таълим-тарбиясига жиддий эътибор беради. Натижада, у

етти ёшида Қуръони Каримни тўлиқ ёд олди. Кейинчалик илм таҳсилани машхур фақиҳ Собитхон тўра Абул-Маъонийда давом эттиради. Ҳазрат тўра домла Нуриддиннинг тиришқоқлиги ва салоҳиятини кўриб, унга «пешқадам» деб куня берадилар. Шу тариқа ўспиринлик давридаёқ у мулла Нуриддин пешқадам номи билан машхур бўлиб танилади.

Бу орада инқилоб бошланиб, бойлар, аҳли илм ва уламоларни таъқиб қилиш бошланади. 1925 йили советлар мулла Нуриддинни ҳам тазйиққа ола бошлайди. Бир кечада отасидан қолган барча меросни ташлаб, Янгиқўрғоннинг Заркент қишлоғига кўчиб ўтади. У ерга бориб, колхозга ишга киради ва аста-секин одамларга маърифат улаша бошлайди. Бироқ, 1937 йилга келиб қатағон сиёсати бошланади. НКВД ходимлари яна уни сўроқ-саволга тута бошлайди. Мулла Нуриддин иккинчи маротаба Наманган шаҳрига келади. Оиласини эски ҳовлига ташлаб, ўзи Сафед Булон, Нанай, Карвон қишлоқлари орқали Қирғизистоннинг Афлотун қишлоғига боради ва маълум муддат у ерда яшаб, фаолият юритади.

Айтишларича, кунларнинг бирида Афлотунда қишлоқ аҳлидан бўлган нуроний киши оламдан ўтибди, бироқ, овулда жаноза ўқийдиган киши йўқ эди. Шу пайт, жанозага борган мулла Нуриддин ҳозир бўлганлар орасидан чиқиб, бироз ваъз айтиб, сўнгра намозни адо этиб, маййитни жамоат билан дафн қилишибди. Маросимдан сўнг (қирғизлар) ҳазрат пешқадамни олимликларини пайқаб у зотга қишлоғимизда қолиб, бизларни ўқитинг. Кўриб турганингиздек орамизда жаноза ўқий оладиган аҳли илмнинг ўзи йўқ. Сизни хизматингизни қилиб, ҳимоямизга олайлик, дейишибди. Шундан сўнг мулла Нуриддин узоқ йил Қирғизистонда қолиб илм тарқатадилар. У зот баланд бўйли бўлганлари боис, қирғиз ҳалқи орасида «узун молда», яъни «узун мулла» номи билан таниладилар. Тез фурсатда доврўғлари қўшни овулларга ҳам ёйилади. Натижада, кўплаб кишилар у зотдан таълим олишга киришадилар.

Кейинчалик вазият барқарорлашгач, мулла Нуриддин пешқадам Наманганга оиласи даврасига қайтиб, то умрларининг охирига қадар маърифат зиёсини тарқатадилар. Топганларини эса ҳар йили камбағал, бева-бечора, мискинларга улашар, уларни чақириб таомлантирар, қўлларига эса кундалик рўзғорга зарур нарсалардан ҳадя қилиб берар эдилар.

Мулла Нуриддин пешқадам Турсун махдум (Муҳаммад Турсун), Лутфуллохон эшон, Бурхон эшон, Кароматхон эшон, Абдусаттор махдум, мулла Абдусамад қори домла, Косонсойлик мулла Жўра охунд каби

олимлар билан ҳамзамон бўлганлар. Юқоридаги санаб ўтган уламоларимиз пешқадам ҳазратларининг хонадонларида тез-тез учрашиб, илм суҳбатлари ўтказиб туришар экан.

Ҳазрат мулла Нуриддин пешқадам 1975 йили оламдан ўтдилар. Уларни «Мавлавий» мазорига дафн қилинди.

Ҳазрат пешқадамнинг заифалари уйчилик Жакбарали бойнинг қизи Хадичахон (1889-1974) ойим бўлиб, улардан Саломатхон (1987 ваф.), Оминахон (1931-2015) ва Саидахон (1935) исмли қизлари бўлган.[1]

Мустақил тадқиқотчи Акрам Шарипов

[1] Ушбу воқеаларни бизга мулла Нуриддин пешқадамнинг қизлари Саидахон ойим сўзлаб бердилар.